# КОРЕЙС ТИЛИДАГИ ФЕЪЛЛАРДА АСПЕКТ МАЪНО

**Г.Д.Юнусова**
ТДШУ доценти (PhD).

**Аннотация.** Мазкур мақолада мустақил ва кўмакчи феълларда аспектлик маънолари ёритилган. Кўмакчи феълларнинг аспект маънолари уларнинг гапда етакчи феъл билан бирга қўлланиб, уларга қўшимча грамматик маъно юклашига асос бўлади. Мақолада шунингдек, тилшуносларнинг феъллардани бу хусусиятга турли фикрлари ва ёндашишларига тўхталган.

**Калит сўзлар.** Аспект (상), грамматик категория, замон категорияси, бошланғич ва якуний нуқта, нейтрал ҳолат, вақт жиҳатдан тугалланганлик (시간적 완료), макон жиҳатдан тугалланганлик (공간적 완료), тугалланмаганлик аспекти (미완료상), тугалланганлик аспекти (완료상), лексик аспект (어휘적인 상), грамматик аспект (문법적인 상 ).

Аспект (상) феълларга хос грамматик категория ҳисобланади. Илк тадқиқотларда корейс тилида аспект категорияси замон категорияси билан фарқланмасдан ўрганилган эди. Корейс тилида феълларнинг аспект жиҳатини Ким Жонг До (1992), Ли Хо Синг (1997)[1] каби олимлар ўрганган эдилар. Ким Жонг Донинг аспект бўйича тадқиқоти К.С.Смис [2] нинг қарашларига асосланган. Тадқиқотда аспект маълум ҳаракат ва ҳодиса рўй бераётган вазиятда сўзловчининг мазкур ҳодиса ва вазиятга нисбатан нуқтаи назаридан келиб чиқиб ифодаланлиги таъкидланади. Вазиятнинг беш хил кўриниши, хусусан: ҳолат, ҳаракат, тугалланиш, такрорланиш, эришишдан ташқари, аспект маъносининг яна бир белгиси «оддий қараш» айтиб ўтилади. К.С.Смис (1991) бундай қарашни икки ҳолатда, яъни «қайси қисми кўриняпти» ва «қайси қисмини кўряпман» тарзида қиёслаган.

무니사는 도서관에 갔다[3]. *Муниса кутубхонага кетди.*

Келтирилган гапда «Муниса кутубхонага қайтиши» ўтган замонда ифодаланган. Аммо жумлада маълум аспект фарқ ҳам бор. Бунда бошланғич ва якуний нуқтага эга бўлган тугалланган вазият мавжуд.

무니사는 도서관에 가고 있었다. *Муниса кутубхонага кетаётган эди.*

Жумлада ҳаракатнинг давом этаётган қисми ҳамда вазият якуний нуқтага қараб кетаётганлиги ҳисобга олинса, нейтрал ҳолат мавжудлигини кўришимиз мумкин. Юқоридаги жумлалардан фарқли равишда қуйидаги ҳолатни кузатилади:

무니사는 도서관에 가 있었다. *Муниса кутубхонага кетган эди.*

Бу жумлада вазият тугалланиб, энг бошида келтирилган якуний нуқтага эга бўлган тугалланган вазиятдан фарқли вазият келиб чиқади.

---

[1] 김종도. 우리말의 상 연구. 기전어문학 7. 서울: 수원대, 1992.

[2] Smith C.S. The Parameter of Aspect. Boston: Kluwer Academic Publishers, 1991. - P.99.

[3] 박양규.할머니. 서울: 비룡소, 1999. – P. 45.

Ли Нам Сун (1981)[4] замон ва аспектни бир категория доирасида ўрганганда «вақт жиҳатдан тугалланганлик» (시간적 완료) ва «макон жиҳатдан тугалланганлик» (공간적 완료) атамаларини қўллайди. Унинг фикрича, ҳаракатнинг қайси замонда бўлиши замон категориясининг масаласи бўлса, мазкур ҳаракат субъект ва объектга нисбатан ҳаракатнинг барча вазиятларини ўзида мужассам этиши ёки этмаслиги аспект масаласидир [5] . Чҳве Донг Квон (1986) «тугалланмаганлик аспекти» (미완료상) ва «тугалланганлик аспекти» (완료상)[6]ни ажратиб кўрсатади. Тугалланмаганлик аспекти феълнинг маълум вақт мобайнидаги ўзгаришига қараб давом этиш, жараён, такрорга бўлинади. Тугалланганлик аспектида эса феъл ифодалаган маъно яхлит бутунлигича тушунилиши назарда тутилади. Ким Сон Хва (1992)[7] гапда ифодалаш усулига қараб лексик (어휘적인 상) ва грамматик (문법적인 상) [munbeopjeogin sang][8] турларга бўлади.

Лексик аспектни қуйидагича тадқиқ қилади:

*а) бошланиш аспекти* – 떠나다 [tteonada] «жўнамоқ», 일어나다 [ireonada] «уйғонмоқ», 시작하다 [shijakhada] «бошламоқ»;

*б) давомлилик аспекти* – 만들다 [mandeulda] «бажармоқ», 읽다 [ilkta] «ўқимоқ», 걷다 [kotda] «яёв юрмоқ», 먹다 [meokda] «емоқ», 노래하다 [noraehada] «қўшиқ айтмоқ»;

*с) тугалланганлик аспекти* – 죽다 [chukda] «ўлмоқ», 끝나다 [kkeunnada] «тугамоқ».

Грамматик аспект эса, *замон белгиси* – -았/었/였- [-ass/eoss/yeoss-]; *сифатдош белгиси* – (으)ㄴ/는/(으)ㄹ [-eu/n/neun/eu/l] орқали ифодаланишини таъкидлайди.

Корейс тилида кўмакчи феъллар аспект маъноларига кўра «тугалланган» ва «тугалланмаган» бўлади. Ўз навбатида «тугалланмаганлик аспекти» жараён – 진행 [chinhaeng], такрор – 반복 [banbeok], давомийлик – 지속 [jisok] турларига бўлинади.

Қуйида кўмакчи феъллардаги бундай аспект маъноларини 가다 [gada], 오다 [oda] ва 있다 [ itta] кўмакчи феъллари мисолида кўриш мумкин:

а) 비가 <u>그친다</u>. *Ёмғир <u>тинди.</u>*

б) 비가 <u>그쳐 간다</u>. *Ёмғир <u>тина бошлади</u>.*

Юқоридаги мисолларда 비가 그친다 «ёмғир тиниши» тугал маънода ифодаланган бўлса, 그쳐 간다 эса 가다 [gada] кўмакчи феъли етакчи феъл ифодаланган ҳаракатга тугалланмаганлик (жараён) маъносини бериб, ёмғир тиниш жараёнида эканлигини ифодаланиши кўринади.

---

4 이남순. «겠» 과 «ㄹ것» . Vol. 6. 서울: 서울대 관악어문연구, 1981. – P.183-203.; 이익섭・임홍빈. 국어문법론. 서울: 학연사, 1983. - 511 p.

5 이남순. «겠» 과 «ㄹ것» . Vol. 6. 서울: 서울대 관악어문연구, 1981. – P.190-195.

6 최동권. 진행상 표현 보조동사. 국어학신연구. 서울: 탑출판사, 1986.

7 김성화. 국어의 상 연구. 서울: 한신문화사. 2003. – 344 p.

8 이회승. 국어 사전. 서울: 민증서림, 2002. – 2855 p.

Юқорида кўринадики, феълларнинг аспект маънолари, хусусан, кўмакчи феълларнинг аспект маъноларини ўрганилиши, гуруҳларга бўлиниши турли тилшунослар томонидан турлича ёндашилган ҳолда ўрганилган.

**Foydalanilgan adabiyotlar**


1. Kenjaboevna, S. E., & Ugli, K. M. S. (2021). The phenomenon of personalization in korean (on the example of fairy tales). ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal, 11(6), 677-681.
2. Базарова, Ш. Ш. (2022). Koreys adibasi shin kyon suk ijodining o'ziga xosligi xususida. *международный журнал искусство слова*, *5*(3).
3. Назарова, Ш. (2017). О масштабе реализации феномена транспозиции. *Иностранная филология: язык, литература, образование*, *2*(3 (64)), 83-87.
4. Usmonqulovna, B. D., & Aziz To'lqin o'g, A. (2023). O'zbek va koreys tillarida adyektivatsiya hodisasi. *Journal of new century innovations*, *24*(1), 46-49.
5. Баёнханова, И. Ф. (2022). Корейс ва ўзбек тилидаги паремиологик бирликларнинг қиёслаб ўрганиши. Scientific progress, 3(3), 265-269
6. Kamarova, M. (2022). Koreys va o'zbek tillarida so'z yasovchi qo'shimchalar orqali so'z yasalishi qiyosiy tadqiqotidan ta'limda foydalanish. Ученый XXI века, (7 (88)), 34-41.
7. Байматова, М. (2022). Проблема перевода и адаптации непереводимой терминологии (на примере английского и корейского языков). Анализ актуальных проблем, инноваций, традиций, решений и художественной литературы в преподавании иностранных языков, 1(01), 190-192
8. Вахабова, М. Т. (2023). Сопоставительный анализ ключевой лексемы-репрезентанта (имени) концепта «мать» в русском, корейском и узбекском языках (на материале словарей). Journal of Integrated Education and Research, 2(3), 52-57.
9. Вахабова, М. Т. (2023). Становление лингвокультурологии как самостоятельной научной дисциплины. Innovation: The journal of Social Sciences and Researches, 1(6), 101-103.